

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 2 » ИЮЛЬ 20 19 у.

№ 549

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида
(Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини
тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар
тўғрисида” 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон Фармони)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.
3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 2 ” июлдаги 549 -сон қарорига
Илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисида низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ 2017 й., 14-сон, 228-модда):

а) 4¹-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Электрон тижорат орқали фақат рецептсиз бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш, сақлаш ва етказиб беришда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳужжатли ва электрон расмийлаштириш тартиби ва талабларига қатъий риоя қилган ҳамда конун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга рухсат этилади”;

б) 5-банд қуйидаги мазмундаги ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“халқаро патентланмаган ном – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан дори воситаси таркибидаги фаол дори моддаси (субстанцияси)нинг қисқартирилган номини бериш орқали дори воситасини идентификация қилиш;

электрон рецепт – ягона электрон рецептлар маълумотлар базасини шакллантириш ва врачнинг фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисга дори препаратини тайёрлаш ва (ёки) бериш ҳамда унинг қўлланилиш усули тўғрисидаги кўрсатмасини тезкор равишда олиш имконини берувчи электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификациялаш имконини берадиган бошқа реквизитларга эга бўлган электрон ҳужжат. Электрон рецепт ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматлари ҳамда техник воситалардан фойдаланган ҳолда яратилади, қайта ишланади ва сақланади;

в) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“6. Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишда давлат стандартлари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, меҳнат муҳофазаси қоидаларига, техника хавфсизлиги қоидаларига ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши таъминланиши керак”;

г) 8-бандда:

биринчи хатбошига “Дорихона филиалининг мудир” сўзларидан кейин “олий ёки ўрта махсус” сўзлари қўшилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Дори воситаларини чакана реализация қилишга фақат фармацевтик маълумотга эга бўлган мутахассисларга рухсат этилади”;

д) 15-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни электрон тижорат орқали чакана реализация қилиш тақиқланади”;

е) 26-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Врач рецептлари асосида бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда улар ҳақидаги маълумотларни дорихонанинг пештахтаси ва харидорлар учун кўринадиган бошқа жойларга қўйиш таъқиқланади”;

ж) 27-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“27. Дори воситаларини чакана реализация қилиш шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рецептлар, шу жумладан, электрон рецептлар бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган, рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

Дори воситаларини электрон рецептлар асосида чакана реализация қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизими” орқали амалга оширилади”;

з) қуйидаги мазмундаги 29¹-банд қўшилсин:

“29¹. Дори воситалари (гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар бундан мустасно) ва тиббий буюмларни электрон тижорат орқали чакана реализация қилишда дорихоналар тегишли веб-сайтлар ва (ёки) мобил иловаларда қуйидаги маълумотларни жойлаштиришга мажбурдир:

юридик шахснинг тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда;

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, тадбиркорлик субъектининг идентификация рақами;

жойлашган жойи (почта манзили), электрон почта манзили, боғланиш телефон рақами;

лицензиянинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар (рақами, амал қилиш муддати, лицензияни беришга ваколатли органнинг номи);

реализация қилинаётган дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳақидаги маълумотлар (халқаро патентланмаган ва савдо номи, чиқарилган шакли, дозаси, серияси, яроқлилик муддати, ишлаб чиқарган давлат (етказиб берувчи), қўллаш бўйича йўриқнома, чакана реализация нархи, савдо

устамаси миқдори, мувофиқлик сертификати (белгиланган тартибда мажбурий сертификацияланадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар учун);

реализация қилинаётган дори воситалари ва тиббий буюмлар аналоглари ҳақидаги маълумотлар;

ҳисоб-китоб шакли, етказиб бериш тартиби ва нархи”;

и) 31-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“31. Врач рецепти бўйича дори воситасини бериш рецептда қайд этилган халқаро патентланмаган ном асосида амалга оширилади. Бунда дори воситаларини бериш нормаси врач рецептига мувофиқ белгиланади”;

к) куйидаги мазмундаги 31¹-банд қўшилсин:

“31¹. Рецепт асосида дори воситасини беришда дорихонанинг фармацевт ходими рецептнинг йиртма корешогига берилган дори воситасининг номи, серия рақами, фармацевт фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб, уни имзолайди ва дорихонанинг штампи қўйилган ҳолда бемор (унинг қариндошлари ёки унинг ҳолидан хабар олувчи шахс)га топширади, рецепт дорихонада қолдирилади.

Рецепт асосида тайёрлаб берилган дори воситаларини беришда, қўшимча равишда ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги дорихонада рецептларни қайд этиш журналига тегишли ёзувлар киритилади.

Рецептнинг йиртма корешоги бемор (унинг қариндошлари ёки унинг ҳолидан хабар олувчи шахс) томонидан йўқотилган ёки у яроқсиз ҳолга келиб қолган ҳолатларда дорихона ходими томонидан рецептнинг дорихонада сақланаётган, йиртма корешоги ўрнини босувчи, тасдиқланган нусхаси берилиши мумкин.

Дори воситасини электрон рецепт асосида беришда дорихонанинг фармацевт ходими Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Фармацевтика маҳсулотларининг ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизими”даги тегишли майдончаларга дори воситасининг номи, серия рақами, фармацевтнинг фамилияси, исми, отасининг исмини киритиб, электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди”;

л) 34-банди куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“34. Фавқулудда ҳолатларда, беморнинг яшаш жойидан жўнаб кетиши, вақтинча кетиши дорихонага мунтазам қатнашининг имкони йўқлиги ва бошқа шу каби ҳолатларда дори воситалари рецепт бўйича уч ойгача бўлган муддат мобайнида қўллаш учун зарур миқдорда берилишига йўл қўйилади”;

м) 35-бандга куйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“Бунда рецептнинг йиртма корешоги, унга ушбу Низомга мувофиқ маълумотларни киритган ҳолда бемор (унинг қариндошлари ёки унинг ҳолидан хабар олувчи шахс)га қайтарилади”;

н) қуйидаги мазмундаги 37¹-банд қўшилсин:

“37¹. Рецептда ушбу Низомга зид равишда расмийлаштирилган ёки бир-бирига номутаносиб дори воситалари кўрсатилган бўлса, дорихона томонидан унга “Рецепт ҳақиқий эмас” штампни босилади ва бекор қилинади. Бунда бекор қилинган рецепт ҳақидаги маълумотлар ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги нотўғри ёзиб берилган рецептларни дорихонада ҳисобга олиш журналида қайд этилади ва рецептни берган даволаш-профилактика муассасасининг раҳбарига нотўғри ёзилган рецептлар тўғрисида хабар берилади ҳамда врач томонидан берилган рецептга номутаносиб дори воситалари дорихона томонидан берилганда, дори воситалари қайтарилади”;

о) қуйидаги мазмундаги 39¹-банд қўшилсин:

“39¹. Электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилишда, зарур ҳолларда дорихоналар томонидан аҳолига сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларни етказиб бериш мумкин. Бунда дори воситалари ва тиббий буюмларни етказиб бериш дорихона ходими – фармацевтик маълумотга эга мутахассис билан бирга амалга оширилиши керак.

Дори воситалари ва тиббий буюмларни етказиб бериш учун уларнинг сифати ва хавфсизлигига риоя этилишини таъминловчи дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш камераси билан жиҳозланган транспорт воситаларидан фойдаланилади.

Транспорт воситаси техник соз ва тоза ҳолатда тутилиши керак. Ташиш жараёнида дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш камерасида керакли зарур ҳарорат, намлик, шунингдек, тоза ҳаво таъминлаб турилиши лозим.

Ўлчов ускуналарига кирувчи асбоблар фойдаланишдан аввал, шунингдек, таъмирлангандан сўнг белгиланган тартибда бирламчи текширувдан ўтади ва (ёки) қиёсланади, фойдаланиш жараёнида эса текширилади ва қиёсланади.

Дори воситалари ва тиббий буюмларни ташиш шундай амалга оширилиши лозимки, бунда уларнинг сифат кўрсаткичлари йўқолмаслиги ҳамда дори воситаларининг ўрамлари ва тиббий қўлланилиши бўйича йўриқномаларда қайд этилган сақлаш шароитларига риоя этилиши керак.

Алоҳида сақлаш ҳароратини талаб этувчи дори воситаларини ташиш ҳароратни доимий равишда кузатиб боровчи қурилма билан жиҳозланган рефрижератор ускунаси ёки термоконтейнер билан жиҳозланган транспорт воситасида амалга оширилиши керак.

Дори воситалари ва тиббий буюмлар, уларнинг сифати, самарадорлиги ва хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган ҳамда ташқи муҳит таъсиридан сақловчи транспорт воситаларида ташилади. Дори воситалари ва тиббий буюмларни бошқа турдаги юклар билан бирга ташиш тақиқланади”;

п) 41-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“41. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча дорихоналарда ушбу Низом талабларига риоя этилишини назорат қилиш дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялашни амалга оширувчи ҳудудий комиссияларнинг ишчи органлари – Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига юкланади”;

р) Низомга қуйидаги мазмундаги 1 ва 2-иловалар қўшилсин:

“Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Рецептларни қайд этиш ЖУРНАЛИ

Дорихона номи
(дорихона филиали)

Т/р	Сана	Беморнинг Ф.И.О.	Рецептни берган даволаш- профилактика ташкilotининг номи	Даволовчи шифокор Ф.И.О.	Дори воситасининг номи, микдори ва дозаси	Дори воситасининг шакли	Дори воситасининг нархи	Беморнинг манзили, телефон рақами	Изоҳ

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Нотўғри ёзиб берилган рецептларни дорихонада ҳисобга олиш ЖУРНАЛИ

Дорихона номи
(дорихона филиали)

Т/р	Сана	Рецептни берган даволаш- профилактика ташкilotининг номи	Нотўғри рецепт берган шифокорнинг Ф.И.О.	Рецепт таркиби	Рецептдаги хатоликлар (дозаси нотўғри кўрсатилган дори воситалари ёки ундаги ёзувларнинг ноаниқлиги кўрсатилади)	Даволаш- профилактика ташкilotининг раҳбарига хабар берилганлиги ҳақидаги маълумот	Дорихона/фили алифармацевтн инг Ф.И.О.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 майдаги 284-сон қарори билан тасдиқланган Дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш тартиби тўғрисида низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 20-сон, 364-модда):

а) 49-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) лицензия талаблари ва шартлари, шу жумладан, дори воситалари ва тиббий буюмларга нарх белгилаш тартиби, рецепт асосида бериладиган ҳамда электрон тижорат орқали дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартибининг бузилиши”

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“дорихонага олий фармацевтик маълумотга эга бўлмаган шахс, дорихона филиалига олий ёки ўрта махсус фармацевтик маълумотга эга бўлмаган шахснинг мудирлик қилиши”;

б) 2-илованинг 3.13-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Дорихона ва уларнинг филиаллари ички ва ташқи телефон алоқаси, интернет тармоғига доимий кириш имконини берувчи компьютер ёки бошқа турдаги телекоммуникация тармоқлари билан ўзаро боғланадиган техник воситалари билан таъминланган бўлиши керак”.